

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 11 сон

sciences. She conducts scientific research on the history, development of the formation of political parties. She is the author of a number of monographs, textbooks, electronic textbooks, manuals and scientific articles.

E-mail: nodira.sardarovna@gmail.com

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ ҚАСИДАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Раупова Раъно Сойибовна
Бухоро давлат университети "Ислом
тарихи ва манбашунослиги, фалсафа
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада темурийлар даври сарой мутафаккири, шоир Хожа Исмат Бухорий ижодидаги, айниқса қасидаларидаги ижтимоий-фалсафий қарашлар таҳлил этилган. Шунингдек, шоирнинг қасидаларида давлат ва жамият масалаларининг ўзига хос талқини ва аҳамияти ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар. Хожа Исмат Бухорий, қасидачилик, давлат, фалсафий қарашлар, Мирзо Улуғбек, Халил Султон, давлат ва жамият масалалари

ПРОЯВЛЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИХ ВЗГЛЯДОВ В ТВОРЧЕСТВЕ ХОДЖИ ИСМАТА БУХАРИ

Аннотация: В статье анализируются социально философские взгляды отражающиеся в творчестве придворного учёного и поэта эпохи Темуридов Ходжи Истама Бухари, в частности в его одах. В произведениях поэта также содержатся мысли о трактовке и значение проблем государством и обществом.

Ключевые слово. Ходжа Исмат Бухари, ода, государство, философские взгляды, Мирза Улуғбек, Халил Султон вопросы государство и общество.

THE MANIFESTATION OF-SOCIO-PHILOSOPHICOE VIEWS IN ODAS KHOJA ISMAT BUKHARI

Annotation. This article analyzes the socio-philosophical views, especially odas of the thinker and poet Khoja Ismat Bukhari. The poet's odas also contain information about the specific interpretation and significance of the issues of state and society.

Keywords: Khoja Ismat Bukhari, oda, state, philosophical views, Mirza Ulugbek, Khalil Sultan, issues of state and society.

Ҳар бир жамиятда жамоатчилик фикрини тўғри илғаб оладиган ва уни тўғри йўналтирадиган, халқ дарди билан яшайдиган пешқадам вакиллари, маслаҳатчи-сиёсатдонлари бўлган. Уларнинг олдида халқ дардидан огоҳ бўлиш, амалдорларга раҳнамолик қилиш, зарур пайтда салтанат ва давлат сиёсатини ҳимоя қилиш,

умуммиллат манфаатини кўзлаб, жамоатчилик фикрини инобатга оладиган раҳбарга маслаҳат солиш, шунингдек, уларга илмий-асосли тўғри йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беришдек мушкул вазифалар турган. Ана шу жиҳатларини инобатга олган ҳолда Хожа Исмат Бухорийни кўрсатилган талабларга мос шахс эди, дея оламиз. У ҳақиқатан саройда ўз ўрнига эга бўлган донишманд ва фозил инсон эди. Чунки у ўз замонасининг етук қасидагўй шоири, тафаккури кенг “Мовароуннаҳр бузрукворларидан” эди. Қасида, айниқса, марсия ёзиш жуда мураккаб ва нозик масала. Зеро, ҳеч бир ижодкор ижозат олмаса ёхуд талаб этилмаса, ўз-ўзидан журъат этиб Амир Темур вафотида марсия ёзишга ва султонларга бағишлаб қасида битишга ботина олмас эди. Хожа Исмат Темурийлар саройида ҳурмат-эътиборга ва шон-шухратга муносиб шахс бўлгани учун ҳам бунга эришди ва фақат унга Амир Темур вафотида марсия ёзиш ишончи билдирилди. Давлатшоҳ Самарқандий: “Мавлонойи муаззам Алоиддин Шамшийким, илми ҳикматда замонасининг яктоси эрди, машоидин Хожа Ҳасан Аттор ... ва шуародин *Хожа Исмат Бухорий* билан Комил Бадахший Мирзо Улуғбекнинг шарофатли замонида *майдонга чиққан олимлар, тариқат машойихлари ва шуаро жумласидандурлар*,”[8.3-361] деганда шоирнинг қасидачиликда маҳорати баланд эканлигини назарда тутганди. Чунки Хожа Исмат қасида илмини мукаммал билган ва унга улкан ҳисса қўшган.

Хожа Исмат аксарият қасидаларида жанр талабларига қатъий риоя қилган. Қасида лирик кириш (насиб) билан бошланган. Темурийлар салтанати ҳукмдорлари Мирзо Улуғбек, Халил Султон, Бойсунғур Мирзо, Шохрух Мирзо, Абдулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Шох Малик ва бошқаларга бағишланган мадҳия руҳидаги қасидалар сиёсий лирика сифатида юқори ўринга кўтарилди. Исмат фалсафий-бадий ижодини шартли равишда икки даврга ажратиш мумкин:

1) сарой билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий давр, бунга бевосита қасидалар ва тасавуфий-орифона ғазаллар мисол бўлади;

2) кексалик ва фақирлик даври. Бу даврда у кўпроқ зоҳидлик руҳидаги лирик асарлар ёзганлини фаҳмлаш мумкин.

Хожа Исматнинг ҳар икки даврдаги ижоди ҳам диққатга сазовордир. Ижодкорнинг сарой билан боғлиқ гўзал қасида, ғазал ва мусамматларида фозил инсоннинг кайфиятида руҳий тетиклик ва шижоат кузатилади. Дўстлик, гўзаллик, ёр васфи, табиат ва баҳор манзаралари, мамдух (ёр)нинг нозик хислатлари кўтаринкилик билан тараннум этилади. Кексалик даврида зоҳиднинг илоҳий ишқи тараннуми, ижтимоий муаммолар гирдобига ғарқ бўлган омадсиз шахснинг фироқлари каби мавзулар шеъриятнинг ўн уч жанрида кўзга ташланади.

Темурийлар даври сарой адабий муҳитида қасиданавислик ва қасидагўйлик маърифий, маънавий ва сиёсий тарғибот ўчоғига айланди. Қасидагўйлик ва қасиданавислик сарой арконлари ва давлат арбобларига маънавий-руҳий озуқа ва ижтимоий-сиёсий мушоҳада юритишга замин тайёрлади.

Буюк мутафаккир шоир Хожа Исмат Бухорий маънавий меросининг таҳлили шуни кўрсатадики, алломанинг ижтимоий-фалсафий ғояларининг моҳиятини соҳибқирон, йирик давлат арбоби, енгилмас саркарда, ўрта асрларда энг йирик давлатлардан бирининг бунёдкори, етти иқлим ҳукмдори Амир Темур– Кўрагон Ибн Амир Тарағай Баҳодир (1336 -1405) вафотларига бағишлаб ёзган марсияси ва машҳур

ўзбек астрономи ва математики, давлат арбоби, Амир Темурнинг невараси, Мовароуннахрнинг ҳокими Мирзо Улуғбек (1394-1449)га ёзган қасидалари очиб беради.

Темурийлар салтанати даврида тарихнавислик, маъморчилик, тазкирачилик қаторида қадимий ва анъанавий саналган қасидачиликка талаб ортди. Жомий ўзининг “Силсилат уз-заҳоб” асарида Рудакий, Унсурий, Муъъззий, Анварий, Саъдий, Салмон Савожий каби қасидагўйларнинг номини зикр этди. Алишер Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Салмон Савожийнинг маҳоратига катта баҳо беради. Форсий ва туркий тилдаги ғазал, муаммо, қитъа, рубоий, таърих, мухаммас ва бошқа жанрлар қаторида қирққа яқин шоирлар қасидачиликда муваффақиятга эришганликлари қайд қилинди. Уларнинг йигирмадан ортиғи “ҳамд ва мадҳ қасидалар”, яъни Аллоҳ ва унинг пайғамбарларини зикр этиш билан машҳур бўлган. Бундан қасидачилик давр талабига айланганлиги англашилади. Қасидагўй шоирлар ижодида шунчаки амалдорларни мадҳ этиш кўзда тутилмаган. Қасидаларда замонлараро сиёсий-ижтимоий масалалар, панд-насиҳат, зарур ва фойдали маълумотлар ёритиб борилган.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг бешинчи мажлисида Туфайлий тахаллуси билан танилган ва асосан мадҳ мазмунида қасидалар битувчи Хусайн Али Жалойир ҳақида: “... қасида услуби онинг ҳаққидур, андоқки бу тоифа ҳам мусаллам тутарлар”[5.61] дейди. Тазкирада Алишер Навоий Хожа Аҳмад Муставфий, Мир Ислон Ғазолий, Мавлоно Толей, Бобо Савдой, Хожа Аҳмад Муставфий, Муҳаммад Табдоғоний, Сайид Козимий, Мавлоно Қамбарий, Мавлоно Волаҳий, Мавлоно Ишқий, Мир Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Ҳасаншоҳ қаторида Хожа Исматга урғу бериб, у бу жанрда юқори камолотга эришганини алоҳида таъкидлайди. Демак, бу даврда қасидачилик алоҳида давлат даражасидаги сиёсий жанрга айланиб улгурди.

Шоир баҳор келиб, табиатнинг гўзал тусга кириши, гулларнинг очилиши ҳақида шунингдек, сеvimли ёр, ёрнинг бевафолиги тўғрисида, висол орзуси, ҳижрон изтироби хусусида сўзлайди. Лирик киришдан сўнг қасиданинг *гуризгоҳ* (4-5 байт) қисми ўқувчини асосий қисмга тайёрлайди. Сўнг қасиданинг асосий қисми - *мадҳ* бошланади. Бу қисмда шоир тасвир объекти қилиб олинган шахснинг фазилатларини улуғлайди. Қасиданинг сўнгги қисми – “*қасд*”да шоир тавсиф-таъриф қилаётган шахсга яхши муносабат ва истаклар билдиради. Анъанага мувофиқ, ўзининг хоксор фақирлигини ҳомий иноятига муҳтож эканлигини ҳам айтади. Қасидагўй Хожа Исмат қасидаларида даврнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлари, сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар, дипломатик муносабатлар ва иқтисодий тараққиёт каби масалалар ўз ифодасини топган.

Хожа Исматнинг аксарият қасидалари темурийзодалар Халил Мирзо, Шохруҳ ва Улуғбек мадҳига бағишланган. Қасидаларнинг асосий ғоявий мазмунида шахс ибрати қуйланади. Ундан олдин эса, “Аллоҳ, Муҳаммад пайғамбар, чаҳорёрлар, шоҳлар, беклар ва ҳоказоларни мадҳ этилади.”

Хожа Исмат бундан фарқли ўлароқ мавзу доирасидан четга чиқиб, шоҳларнинг диққатини ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий масалаларга ҳам жалб қилган. Чунончи, Мирзо Улуғбек бобоси Амир Темурнинг давлат бошқаруви сиёсати асосида мамлакатнинг равнақи учун илм-фан, дин-маърифат, ижтимоий-маданий ҳаёт, ички

ва ташқи сиёсат масалаларига темурий зодагон ҳукумдорлар ўртасида ажралиб турарди. Б.Пасилов шундай таърифлайди: “Янги туғулган чақалоққа Амир Темур ўз отасининг исмини қўйиб, Муҳаммад Тарағай деб атади. Амир Темур ўз набирасини суйиб ва эркалаб Улуғбек деб аташи натижасида кўп ўтмай унинг асл исмини деярли ишлатмай қўйишди. Маълумки, Амир Темурга “Улуғ Амир” деб мурожаат қилишарди. Араблар ва форсларда ишлатадиган амир сўзига туркларнинг бек сўзи мос келарди. Шу боис соҳибқирон суюкли набирасини ўз тахаллуси билан “Улуғбек” деб атаган тахмин ҳақиқатдан узоқ эмас.” [7.3-26]

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409-1449) Мовароуннаҳрда тинчлик ҳукмрон бўлиб, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққий этди.[4.172-180]. Хожа Исмат “Дар бораи Улуғбек” қасидасида ёзади :


Улуғбек султоне, ки аз ҳайбати боисаш,
Зару боҳ амин чўяд, ба ҳар шабиҳи шери нар.
Чу Сукроту Букрот, баче човушу дарбон,
Чу Хуршеду Ҷамшидат, баче бандаву чокар.
Зи баҳси ту дар ҳайъат Арасту шуд мулзам,
Зи нутқи ту дар ҳикмат шуд бў Али маҳзар.[9.92]

Мазмуни: Улуғбек шундай султондирким, унинг ҳайбатидан барча нафс қуллари эркак шердан қўрққани каби омонлик тилардилар. У Сукрот ва Букрот каби ҳикмат эшикларини очувчи, унинг эшигида Хуршид ва Жамшиддек буюк шоҳлар ҳам бача ва аскар бўлишга ярайди. Унинг ҳайъатидан Арасту мулзам бўлди. Унинг ҳикматли нутқидан Ибн Сино маҳзар бўлди.

Юноннинг устоз файласуфи Сукротнинг фикрича, “ҳаёт бу санъат, санъатни сайқаллаштиришда санъатнинг ўзини билиш лозим, фалсафанинг асосий амалий масаласидан олдин илмнинг моҳияти ҳақидаги масала туриши шарт. Билим предмет ҳақидаги тушунчадир. Унга тушунчани аниқлаш орқали етишиш мумкин.” Аслида Сукрот тимсолининг асар таркибига киритилиши тасодифий бўлмай, бош мақсадни очиб бериш йўлидаги муҳим воситадир. Сукрот пири комил тимсоли бўлиб, у қуёш каби порлоқ сиймо, жисми пок руҳ. У камолот чўққисини эгаллаган комил инсон, ўзи бир жойда ўтирса ҳам, руҳи бутун дунёни кезиб чиқади. Жамшид жоми, Искандар кўзгуси ҳам унинг қўнғил кўзгуси олдида хира қўринади.

Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини дунёга танитган олимлардан бири ҳисобланади. У Букрот ўғитларига муносиб амал қилиб, кўп йиллик ҳукмронлиги даврида халқларнинг тинч-тотув яшашига интилди, урушларни тўхтатди ва умрини илм фан ривожига бағишлади. Асарнинг мазмун-моҳиятидан Хожа Исмат Улуғбекни жуда қадрлаганлиги ва унинг илмий салоҳияти даражасини муносиб баҳолай олганлиги сезилади.

Мутафаккир-шоир Улуғбекни *хуршид*, яъни қуёшга қиёслаб, ундан илму зиё нури таралиб тургани ва бу нур асрлар оша халққа ёғду сочишини айтиб, уни Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги шоҳ Жамшидга қиёслайди. Муболағавий ташбеҳларда унинг ақл-заковатини Арастудан устун қўяди. Донишмандликда уни Абу Али Ибн Сино билан тенглаштиради. Муаллиф: “Улуғбекнинг ҳикматли нутқи олам узра эшитилса, гўё Ибн Сино ҳозир нозир бўлар эди,” - деб уни таърифлайди. Асарда олимлар портрети гавдаланади:



Шоҳ ва қомусий олим Мирзо Улуғбек Букрот ўғитларига амал қилиб, мислсиз илмий натижаларни қўлга киритди. 40 йиллик ҳукмронлиги даврида халқни тинч-тотув яшашига интилди, урушларни тўхтатди ва умрини илм фан ривожига бағишлади. Букрот “билиш жараёнида кузатув ва тажрибанинг муҳим эканлиги”ни таъкидлаган эди. Букрот ўғитларига амал қилган Ибн Сино ҳам тиббиёт илми соҳасида кўп ижобий натижаларга эришди. Шарқда Ибн Сино, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур Абу али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ буюк ҳаким, қомусий аллома ва машҳур мутафаккир сифатида бутун оламга танилди. Демак, Мирзо Улуғбек ва Ибн Сино *билиш жараёнида кузатув ва тажрибанинг муҳим ўрни борлигини* илмий асос сифатида қабул қилишган. Шу боис Ибн Сино тиббиётда, Улуғбек астрономия соҳасида камолот чўққисини забт этган алломалардир.

Хожа Исмаи Улуғбек Мирзони “фалак сени таснифингни ёзади” деб, уни фалакшунослик соҳасидаги ишларига юқори баҳо беради. Олимларни “човуш”⁴ сифатида зикр этиб, шу тарзда Улуғбек Мирзо эгаллаган илм чўққисининг нақадар осмонўпарлигини таъкидлайди.

Соҳибқирон вафотидан кейин ўзбошимчалик билан Самарқанд тахтини эгаллаган ва беш йиллик ҳукмронлиги даврида ушбу азим шаҳарнинг бойликларини кўкка совурган Халил Султон Улуғбек Мирзо томонидан сургун этилади. Аслида Мирзо Улуғбек Халилни Мирзони отаси Шоҳруҳ Мирзонинг кўрсатмасига асосан Самарқанддан бадарға қилган эди. Ўз қилмишларидан кеч бўлса-да, хулоса чиқарган Халил Султоннинг азият чекишлари Хожа Исмаиға етиб келади ва шогирди учун бир қасидаси заминидан авф сўрашни лозим топади. Аммо Мирзо Улуғбек отасининг қарорини бекор қилишга журъат қила олмайди:

Исмаи ки ҳамчу булбули хушгў ба мадҳи шоҳ,
Достонсаро шуда аст забони суҳанвараш.
Растӣ ҳазоргуна гул аз боғи фикраташ,
Сўзи Халил агар набошандӣ бар озараш...[1.590]

Мазмуни:

Исмаи шоҳ мадҳида шундай хушсуҳан булбулки,
Ширин тили тилмочлар ичида достонсаро бўлди.
Фикрат боғи растасидан минг хил гулдек товланарди,
Ғар Халилдан орттирган аламлар унга озор бермаса эди.

Бундан Исмаи “шоҳ мадҳида ҳамчу булбули хушсуҳан достонсаро бўлди, фикр боғида минг хил гул ўстириб – истиҳола қилиб, Халилнинг сарсону сарғардонлигидан қалби мингпора бўлди ва олампаҳоқ олдига келиб сўз бошлашга журъат топди. Шоҳ

олдида ўзига ортиқча эрк берган шоир, истеъдодда бошқалардан ортиқ эканлигини ошкора” қасидада баён этади. Саройда бузгунчилик кайфиятини келтириб чиқараётганларга кескин қарши чиқиб, ўзини ҳам Халил Мирзонинг давлат бошқарувида юз берган хатоларида гунаҳкор санайди, шу туфайли таъна ва маломатларга гирифтор бўлаётганига шаъма қилади. Улуғбекнинг илмий-маърифий фаолиятига соя солаётган иллат хуружига ишора беради. Халил Султоннинг қисматидан азият чекиб, фалакиёт илмининг султони Мирхо Улуғбекни “дард аҳлининг султони Юсуфи Миср”га тенглаштиради ва унинг авф этилишини сўрайди:

Чун дил ҳазор пора шуд аз теги фурқаташ,

Шуд хотир шикаста ба сўйи ту раҳбараш .

Мазмуни :

Фироқ тифидан юрак мингпора бўлди,

Паноҳ сўрашга хотиралар сабаб бўлди

Хожа Исмат Халил Султон фироқидан юраги мингпора ва “шикаста хотир.” Чунки у Халил Мирзони шогирд сифатида кўп ардоқларди, унинг сургунда озор чекаётганидан хабар топиб, ушбу мурожаат-қасидани ёзишга қарор қилган эди. Исмат бу парчада Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сидаги “Золимнинг хайри” ҳикоясига шаъма қилади. Бу ҳикоя шундай ифодаланган:

“Подшоҳ жума куни масжидга кетаётган эди. Соқчилар кўчада тўпланган халққа бир тарафдан йўл бўшатинг деб бақирар, бир тарафдан тепиб, таёқ билан уриб, йўл очаётган эди. Ожиз бир камбағал соқчилардан ўн дарра еди. Боши, кўзи қонталаш бўлди. Зулмга чидай олмади. Қўллари очиб подшоҳнинг орқасидан шундай бақирди:

- Қилган ошкора зулмингни қара! Аллоҳ сақласин, масжидга бораяпсан, гўё яхши иш қиляпман деб ўйлайсан. Яхши ишинг шу бўлса, ёмонлигинг қандай, ким билсин?”[3.27]

Демак, тожу тахт талашишлар, ўзаро ғаразгўйлик уруғ сочган пайтда на фақат қариндошлик ва акраболик ришталари, балки мусулмончилик бузилади. Ўзаро хусумат авж олади. Бу шарият учун ҳам, иймон учун ҳам зарарли офат. Савоб иш эса, икки мусулмонни яраштириш. Хожа Исмат ушбу қасидани ёзиш билан бирга амирзодалар муносабатини тиклаш учун элчилик қилган кўринади.

Улуғбекни “аҳли дард” – ижодкорларга ёрдам берувчи олийҳиммат сифатида улуғлаб шундай ёзади:

Дор уш-шифойи хаста дилон чун чаноби туст,

Бошадки марҳамат ба кафоят аз ин дараш.

Шоҳеки ҳамчу Юсуфу Миср аҳли дардро ,

Қути ҳаёт буд тамошойи манзарааш.[9.114]

Мазмуни : “Хаста дилларга ўзинг шифокорсан, ортингдан бу эшикдан киришга изм берсанг бас. Миср шоҳи Юсуфким инсонни бахтли ҳаётга чорларди, келиб сенинг илтифотинг манзарасини бир томоша қилса яхши бўлармиди?!”

Диний талқинда таъкидланишича, Юсуф пайғамбар марҳаматли, хушсурат ва гўзал пайғамбар бўлган. Унинг жамолини кўрган киши Аллоҳ жалолини кўргандек мамнун бўлар эди. Шунинг учун Хожа Исмат Улуғбек жамолини Юсуф пайғамбарга қиёс этиб (гарчи унинг акалари уни қудуққа ташлаб кетган бўлсалар ҳам, қалби пок

ва гўзал бўлганлигини эслатиш мақсадида), уни салобат ва салоҳиятини улуғлайди. Марҳаматли шоҳ, дардларга даво берувчи олижаноб сифатида қадрини улуғлайди. Шу билан у Султон Халилга раҳм-шавқат сўрайди ва марҳаматли бўлишга чақиради:

Шоҳо ба дарди бесару пояш раҳм кун,

Мағузар то фироқ кашад зору музтараш.[9.114]

Хожа Исмат ҳукмдорни мадҳ этар экан, унинг диққатини ўта долзарб сиёсий муаммога қаратади ва шу сиёсий муаммони ижобий ҳал этишига умид боғлайди. Зеро, Хожа Исматнинг Султон Халилга бўлган меҳр-муҳаббати, бу устознинг шогирдига бўлган ҳақиқий ғамхўрлигидан дарак беради. Бундай вазиятда дипломат-шоир ўзининг жисмонан дардига даъво излаш учун эмас, балки ўзининг қалб оғриғига таскин бериш учун виждони олдида ўзини бурчли ҳисоблайди. “Фироқ мени зору музтар этмасин, менга раҳм-шавқат айлаб, ёрдам қўлини чўзинг,” деб қатъий мурожаат қилади. Халил Султоннинг авфини сўраш баробарида унинг авфга арзигулик бир қатор фазилатлари борлигига мисол келтиради. Соҳибқирон Амир Темур зурриёди Халил Султон Хуросонда девоналарча сарсон-саргардон умргузаронлик қилаётган гуноҳкорни кечиришини сўрайди. Улуғбекни зулмпарвар бўлмасликка чақиради.

Бундан кўринадики, мутафаккир-шоир Темурийлар саройида ўз овози ва ўз ўрнига эга бўлган, ўз навъатида Улуғбек ҳам Хожа Исматнинг илмий салоҳияти ва нуфузини жуда қадрлаган.. Акс ҳолда у бунга журъат қила олмасди.

Улуғбек бутун ҳаёти давомида Сукрот ва Букрот ўтитларига амал қилди, ўзининг “Зижи жадиди Кўрагоний” асари билан Птолемей, Коперник, Галилейлар каби илм-фан тарихида ном қолдирди. Хожа Исмат ҳам Ғарб фалсафасидан, чунончи, Сукротнинг этика ва эстетика соҳасидаги кашфиётларидан хабардор бўлмаганда бундай ташбеҳу тазодларни қасидада ишлата олмас эди. Маълумки, “Сукрот одоб-ахлоқни назарий жиҳатдан илк бор теран тадқиқ қилган олимдир. У ҳамма учун бир хил ахлоқ қоидаларини яратмоқчи бўлади. Масалан, адолат, мўътадиллик, эзгулик, софдиллик барча учун умумий бўлган тушунчалардир. Унингча, ҳеч ким онгли равишда атайлаб ёмонлик қилмайди. Эзгуликни тушунган одам яхшилик қилади.”[10] Хожа Исмат Мирзо Улуғбек фазилатларига ана шу нуқтада туриб баҳо беради. У қасидада Халил Султонга ҳам холис баҳо беради:

Халил Хисрави Соҳибқирон ки буд

Асбоби салтанат зебовӣ дархўраш. [9.115]

Мазмуни: “Қачонки Халил Султон амалдор эди, салтанат гўзаллиги бошқарувига дархўр, яъни муносиб эди.”

Бу мисраларда, биринчидан, Хожа Исмат “Халил Султонни адолатли шоҳ Хусравга тенглаштиради ва у ҳам гўзал салтанатга муносиб шахс эди,” деб таърифлашдан чўчимайди. Иккинчидан, Хожа Исмат Султон Халилни инсон сифатида яхши билгани учун унинг иқтидор ва қобилиятига ишора қилади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, қасидалар таҳлили Хожа Исмат дунёқарашидаги қуйидаги чизгиларни аниқлашга ёрдам беради:

Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асари Хожа Исмат Бухорий учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши билан бирга, Улуғбекни шоҳ Жамшид, юнон

файласуфлари Суқрот ва Гиппократ, ватандошимиз Ибн Синога билан тенглаштиргани ва уларнинг фан соҳасидаги ишларини қасидаларда ёритгани диққатга сазовор. Хожа Исмат Бухорий Улуғбекни марҳаматли бўлишга ундаган. У Улуғбек Мирзо саройида сиёсий маслаҳатчи, тарихий жараённинг фаол иштирокчиси бўлган. Хожа Исмат қасидаларида асосий ғоя ва мақсад шохни шунчаки мадҳ этиш эмас, балки имкон даражасида ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларни ижобий ҳал этиш масаласидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бухорий, Хожа Исмат. Девон. –Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрл. Аҳмад Карамий. 1987. - Б. 590
2. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент. 2003.
3. Жалолиддин Румий. “Маснавий”дан ибратли ҳикоялар. “Муҳаррир”, Тошкент. 2008.
4. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар).// Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев. Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашр. 2001. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. Мажолис ун-нафоис. 20 томлик. 13 том.–Т.: “Фан”, 1997.
5. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. Мажолис ун-нафоис. 20 томлик. 13 том.–Т.: “Фан”, 1997.
6. Носиров О. ва бошқалар. Ўзбек классик шеърини жанрлари. “Ўқитувчи”. Т. 1979.
7. Пасилов Б. Улуғбек. Тошкент, “Abu matbuot-konsalt”, 2011.
8. Самарқандий, Давлатшоҳ. Тазкират-уш-шуаро. Ўз.Рес.ФА. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқш-к ин-ти кўлғезмалар фонди. № 53.
9. Хожа Исмат Бухорий. Девон. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. Ишкон. Техрон. 590 с.
10. Фалсафа. Энциклопедик луғат / Суқрот. ЎзФА, –Т. : “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашр., 2010.

13	Гўзада вертициллёз вилтга чидамликнинг молекуляр асослари ва чидамлик селекцион линия олиш усуллари Бойқобилов У.А, Хусенов Н.Н, Тураев О.С, Норбеков Ж.К., Бўриев З.Т.	75
14	Caprifoliaceae juss. oilasi turklarining ўzbekistonda tarqalishi (tash gerbariyasi tahlili asosida) Esemuratova R.X, Karimov F.I.	83
15	Turli ekologik sharoitlarda ўstirilgan efir moyli ўsimliklarni suғoriqdagi suvlari kimyoviy tahlili. Ziyadov Sh. P.	88
16	Evaluation of the effectiveness of food additives "of astosh" and "Majmui Rakhmoniy" Mamatova I, Khakimova R, Askarov I.	93
17	Plastmassalarning biologik parchalanishi Nazirov Muhammad-Latif, Halilov I.M., Davranov K.D.	97
18	Suғoriladigan kolymatajlangan tuproqlarda kamёb elementlarning biogeokimyoviy xususiyatlari. Yuldashev F., Sotiboldiyeva G., Abduxakimova X.	105

ТАРИХ ФАҲЛАРИ

07.00.00

ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

HISTORICAL SCIENCES

19	Uchitelsnitsy tataruki v novometodnykh shkolakh Turkestana Nasretidinova D. M.	
20	XVI-XIX asrlarda ўrta osiё xonliklari hududida хarbiy sanъat Tўxtamiшев Ў.	117

ИҚТИСОДИЁТ ФАҲЛАРИ

08.00.00

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

ECONOMIC SCIENCES

21	Qishloq хўжалигида marketing va kooperatsiya imkoniyatlari dan foydalaniш Sirojiddinov K.I, Tajibaev K.K.	122
----	---	-----

ФАЛСАФА ФАҲЛАРИ

09.00.00

ФИЛОСОФИКНЕ НАУКИ

PHILOSOPHICAL SCIENCES

22	Political parties are the main subjects of civil society Rasulova N. S.	133
23	Xoja Ismat Buxoriy qasidalarida ijtimoiy-falsafiy qarashlarning namoён bўlishi Rauptova P.S.	140
24	O'zbekistonda qishloq aholisi ijtimoiy turmush darajasini o'rganishning dolzarbligi Saraev V O.	148
25	Migratsiya aholisi va migratsion siёsat: zamonaviy muammolar va ularning echimlari Alimov S.K.	151